



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИНИНГ ОНЛАЙН САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат раҳбари сифатида иштирок этди.



Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида видеоанжуман шаклида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович ҳам қатнашди.

Йиғилиш кун тартибидан ЕОИИ маконида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, шу жумладан, иқтисодий, савдо, саноат, транспорт ва бошқа йўналишларда амалий шериклини мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг аввалида Қирғизистон ЕОИИга раисликни фаол амалга ошираётгани, бу ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан пандемиянинг салбий оқибатлари юмшатилгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликда ижобий суръат таъминланаётгани таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан товар айирбошлаш ҳажми 2021 йилда 30 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 33 фоизга ошди. ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестицияларнинг йиллик ўсиши қарийб 25 фоизни ташкил этмоқда.

Дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар ва мамлакатларимиз барқарорлиги учун жиддий хатарга айланган инқирозли ҳодисаларни қайд этиб,

Ўзбекистон раҳбари биргаликда ечим топишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Президентимиз Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги савдода техник тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш ва сертификатлаштиришни ўзаро тан олишга қақирди. Бу товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча соддалаштиришга хизмат қилади.

Биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали агросаноат кооперациясини кенгайтириш алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу борадаги натижадорликни ошириш мақсадида ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришни назарда тутадиган Агрокооперация дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш

ҳамда Жануб ва Шарқ йўналишида транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш зарурлигига эътиборни қаратди. Шу муносабат билан Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни тез фурсатда бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Термиз шаҳридан Покистоннинг Пешовар шаҳригача Жанубий Осиё ва унинг икки миллиард нафар истеъмолчига эга бозорига чиқиш учун энг қисқа йўлни таъминлайдиган трансфтон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга тайёрилик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда тадбиркорларимиз ўртасида, энг аввало, юқори технологиялар соҳасида саноат

кооперациясини амалга оширишнинг янги шакллари ривожлантириш ташаббусини илгари сурди.

Тошкент шаҳрида ЕОИИ мамлакатларининг миндан зиёд компанияси иштирокида "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмаси ўтказилгани бу борада биринчи амалий қадам бўлди.

Кимё, фармацевтика, машинасозлик, ускунасозлик, электроника ва бошқа соҳаларда кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бунда илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини янада кенгроқ ишга солиш муҳим.

Иқтисодий тараққиётнинг табиий драйверига айланиши лозим бўлган туризм соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, шунингдек, мамлакатларимиз

ўртасидаги йўловчи транспорти қатновини тўлиқ ҳажмда тиклаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ЕОИИ мамлакатларининг етакчи компаниялари иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказиш таклифини илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқининг якунида Ўзбекистоннинг мамлакатларимиз барқарор тараққиётини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кўп қиррали шериклини изчил мустаҳкамлашга интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Садир Нурғожоевич!
Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишининг барча иштирокчиларини қўллашдан мамнунман.

Ҳамкасбларимизнинг сўзларига қўшилган ҳолда, хурматли Садир Нурғожоевич ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Қирғизистоннинг ЕОИИдаги фаол раислиги мамлакатларимизнинг Евроосиё бирлашмаси доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Хурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шериклик муносабатларини ривожлантиришни давом эттирмоқда. Бу биз учун жуда муҳим йўналиш, чунки ЕОИИ мамлакатлари табиий ҳамкорларимиздир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш ва мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигида ижобий суръатни таъминлашга муваффақ бўлганимиз бизни қувонтиради.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бирлашмага аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил якунларига кўра

30 фоизга, жорий йилнинг биринчи тўрт ойида эса яна 33 фоизга ошди.

ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестициялар йилига қарийб 25 фоизга кўпаймоқда.

Шу билан бир қаторда, дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар ва икки қиррали ҳамкорликнинг ҳодисалари мамлакатларимиз барқарорлиги учун жиддий хатардир.

Глобаллашув даври янги жаҳон тартиботи шаклланиши босқичига ўтмоқда.

Илгари кузатилмаган миқёсдаги чеклов чоралари киритилаётгани, маҳсулотлар етказиб беришнинг логистик занжирлари ва кооперация алоқалари узилаётгани, ҳомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўсётгани, ижтимоий кескинлик кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Юзага келган вазиятда умумий саъй-ҳаракатлар билан биргаликдаги чораларни мажмуасини ишлаб чиқиш, ноодатий ечимлар топиш ва ҳамкорликнинг ностандарт механизмларидан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бугун савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай шароитларни шакллантириш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдода техник тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш ва сертификатлаштиришни тан олиш товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча соддалаштириш имконини беради.

Шу маънода, озиқ-овқат ва ҳомашёни четга чиқариш бўйича чекловлар Ўзбекистонга нисбатан татбиқ этилмаслиги масаласида бизни қўллаб-қувватлашларига ният қиламиз.

Шунингдек, биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали агросаноат кооперациясини кенгайтиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ишлар натижадорлигини ошириш учун Агрокооперация дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу дастур бозорларимизни кафолатли тўлдириш мақсадида ЕОИИ мамлакатларида дон ва мойли экинларни биргаликда етиштириш ҳамда мева-сабзавот экинларини, шу жумладан, уларнинг эртагишлар навларини Ўзбекистонда етиштириш масалаларини қамраб олиши мумкин. Айни пайтда дастурни амалга ошириш учун, биринчи навбатда,

мамлакатларимиз ҳудудларининг салоҳиятини ишга солиш мақсадга мувофиқ.

Янги хавф-хатарлар муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш, Жануб ва Шарқ йўналишларида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш тақозо этмоқда.

Энг яқинда Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган "Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой" темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий рўёбга чиқаришга киришишни режалаштирмоқдамиз. Ушбу йўл "Шарқ — Ғарб" йўналишида мавжуд темир йўл магистралларининг имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бир қаторда биз Жанубий Осиёга ва унинг 2 миллиард истеъмолчига эга бозорига чиқиш учун энг қисқа йўлни таъминлайдиган Термиздан Покистоннинг Пешоваригача трансфтон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш борасида ЕОИИдаги шерикларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёригимиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда саноат кооперациясининг янги шакллари, энг

аввало, юқори технологиялар соҳасида ривожлантириш тарафдоримиз.

Тошкент шаҳрида "ИННОПРОМ. Марказий Осиё" халқаро саноат кўргазмаси ўтказилгани бу борада биринчи амалий қадам бўлди. Унинг ишида бирлашма мамлакатларининг миндан зиёд компанияси иштирок этди. Биз ушбу муҳим майдонни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шу мақсадда, энг аввало, кимё, фармацевтика, машинасозлик, ускунасозлик, электроника соҳаларида кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Бунда янги компетенцияларни шакллантираётган илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини ишга солиш муҳим.

Мамлакатларимизда меҳнат миграцияси ва мутахассислар ҳаракати билан боғлиқ масалалар долзарблиги ортмоқда.

ЕОИИга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар иқтисодийларининг тез ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ меҳнат ресурсларини самарали жалб қилиш имконини берадиган зарур

ҳужжатларни қабул қилиш ва соддалаштирилган тартиб-таомилларни қабул қилишни таклиф этамиз.

Пандемия оқибатларини енгиб ўтиш шароитида туризм соҳаси иқтисодий тараққиётнинг табиий драйверига айланиши мумкин. Йил бошидан буён Ўзбекистонга, биринчи навбатда ЕОИИ мамлакатларидан туристлар оқими сезиларли ўсётганини кузатмоқдамиз.

Жорий йил кузида Ўзбекистоннинг етакчи компанияларимиз иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги йўловчи транспорти қатновини тўлиқ ҳажмда тиклаш масаласини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир.

Хурматли саммит иштирокчилари!
Сўзимнинг якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқламоқчиман.

Бугунги учрашув натижалари кўп қиррали шериклини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизда барқарор иқтисодий ривожланиш ва фаровонлиқни юксалтиришга хизмат қилишига ишонаман. Эътиборларингиз учун раҳмат.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИ МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Дилшод САТТОРОВ,
Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори

Бугун биз олдимизга катта марралар қўйган ҳолда янги Ўзбекистонни барпо этмокдамиз. Барча соҳаларда ислохотлар, қўзланган мақсад сари олға интилиш кузатилмоқда. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан “шахсий масъулият, мустаҳкам “темир” интизом ва ташаббускорлик” тамойилига асосланиб, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг ягона тизими жорий қилинди.

Мақсуд фармонга мувофиқ, барча вазирлик, идора, ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларида ижрони назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш тўлиқ электрон платформа, яъни “**Ijro.gov.uz**” тизими орқали амалга оширилади.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “**Ijro.gov.uz**” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси мониторингини амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Иш сифати ва самарадорлигини таъминлашда тартиб-интизомсиз қўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Ўз навбатида, ҳар бир давлат органининг вазифа ва функцияларини амалга оширишда ижро интизоми муҳим ўрин тутadi.

Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларга асосан, идораларга келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўйхатга олиш ва унинг ижро муддатини белгилаш қатъий тартиб асосида йўлга қўйилди. Ҳужжатлар ижроси бўйича ўрнатилган назорат ҳар бир ҳужжатнинг белгиланган вақтда бажарилиши орқали таъминланади, бунинг натижасида ижро сифати янада яхшиланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида ҳам қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида **вертикал** равишда ҳужжатлар айланмаси ва назорати жорий этилган.

Шунингдек, агентлик томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини 7 босқичдан иборат “**технологик занжир**” асосида таъминлаш йўлга қўйилган. Жумладан:

- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳасини ҳар томонлама пухта, юқори профессионал даражада тайёрлаш;
- бошқарув тизимини, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, жумладан, ҳудудларни мақсадли ва устувор вазифаларга мувофиқ такомиллаштириш;
- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режали ташкил қилиш, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар қўриш;
- қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича “йўл хариталари”ни (ҳаракат режаларини) ўз вақтида ишлаб чиқиш;

“Давлат дастури доирасида агентлик олдида жорий йил якунига қадар сифат менежменти тизимининг халқаро ISO 9001 стандартини камида 30 фоиз вазирлик ва идоралар фаолияти тизимида жорий қилиш, ISO, Global GAP, Organic ва бошқа замонавий стандартлар жорий этилган экспорт қилувчи корхоналар сонини 30 фоиз ошириш орқали улар сонини 1300 тага етказиш каби вазифалар турибди.

давлат органлари ва ташкилотлари масъул бўлишларининг ижро интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш;

ташкилий, ижро ва назорат фаолияти ягона тизими натижадорлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини белгилаш.

Эндиликда “**Ijro.gov.uz**” электрон тизими агентлик тизимидаги ташкилотларнинг вилоятлардаги ҳудудий филиалларини ҳам тўлиқ қамраб олганлиги иш самарадорлиги ортисиغا олиб келмоқда.

Агентликка йўналтирилган ҳужжат ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида мuddати яқинлашаётган топшириқлар бажарилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари ҳузурида муҳокама этилгач, тегишли чоралар қўрилмоқда. Натижада топшириқлар мuddатидан аввал бажарилишига эришилмоқда.

“**Ijro.gov.uz**” тизими ишга тушган даврдан то бугунги кунга қадар агентликка жами 277 та ҳужжат бўйича 991 та топшириқ келиб тушган бўлиб, шундан мuddати келган 868 та топшириқнинг ижроси таъминланди. Қолган топшириқлар ижросини ўз мuddатига таъминлаш қатъий назоратга олинган.

Ушбу топшириқларнинг 221 таси Ўзбекистон Президенти фармони, 565 таси қарори, 11 таси фармойиши ҳамда 194 таси давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари ҳамда ўтказган йиғилишлари баёнларида берилган.

Шу ўринда ўтган беш йилда Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг **стандартлаштириш ва техник жиҳатдан**

тартибга солиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича 18 та норматив-ҳуқуқий ҳужжати қабул қилингани ва давлатимиз раҳбари ҳузурида шу масалада икки марта йиғилиш ўтказилганини таъкидлаш лозим.

Бунинг замирида эса табдиркорлиқни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳолини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, қисқа қилиб айтганда, “**инсон қадрини улуғлаш каби улуғ мақсад ётибди**.”

Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор вазифа ва топшириқлар белгиланди.

Демак, мақсадларимиз, режаларимиз ва топшириқлар аниқ. Табиийки, олдимизда уларни амалга ошириш вазифаси турибди. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ва масъул, аввало, масъулиятини ва шахсий жавобгарлиқни ҳис қилиши ҳамда шахсий ибрат кўрсатиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, жорий йилнинг 4 ойи давомида стандартлаштириш соҳасида амалга оширилган айрим ишлар ва жорий йилдаги режалар тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, тартибга солуви асосни яратиш, техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 4 та қонун лойиҳаси халқаро меъёrlарга мослаштириб ишлаб чиқилди ва

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Булар “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонунлар лойиҳасидир.

Республика бўйича 35 та экспорт қилувчи корхонада халқаро сифат менежменти тизими жорий этилди.

Экспорт қилувчи 1259 та йирик корхона манзилли ўрганилиб, шундан 533 тасига, жумладан, 124 та корхонага стандартлаштириш, 137 тасига метрология ва 152 тасига сертификатлаштириш йўналишлари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 3681 та табдиркорлик субъектига соҳага оид услубий ва амалий кўмаклашишга қаратилган профилактика ишлари амалга оширилди (озиқ-овқат соҳасида — 1197 та, енгил саноат — 517 та, қурилиш — 608 та, кимё саноати — 136 та, машинасозлик — 133 та, электротехника — 109 та, чармасаноат — 27 та, нефть ва газ саноатида — 258 та, мева-сабзавотда — 89 та ва бошқа соҳаларда — 607 та).

Давлат назорати натижасида қиймати 22 миллиард сўмлик маҳсулотларнинг амалдаги техник регламент ва стандартларга номувофиқлиги маълум бўлди.

49 та импорт қилувчининг 40 тасида қондабузарлиқлар (давлат тилида ёрлиқлаш, маркировка, сақлаш қоидалари), оғборлардаги 205 турдаги 20,7 миллиард сўмлик озиқ-овқат, металл, тўқимачилик, машинасозлик маҳсулотлари намуналари техник регламент ва стандартларга номувофиқлиги аниқланди.

Машинасозлик, енгил саноат, металл, мойлаш материаллари бўйича 4 та синов лабораторияси халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди.

Ҳар бир **муружаат замирида табдиркор ёки корхонанинг, умуман, инсон муаммоси ва тақдир ётади**. Агентликда жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини қўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари асосида самарали ташкил этилган. Мисол учун, жорий йилда агентликка жами 123 та муружаат келиб тушган бўлса, уларда кўтарилган масалалар ўз вақтида ижобий ҳал қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ муружаатчиларга тушунтириш берилган.

Энди йил якунига қадар бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифа ва топшириқларга тўхталсак.

Режага мувофиқ, республика бўйича 14 мингта табдиркорлик субъектида соҳага оид услубий ва амалий кўмаклашишга қаратилган профилактика ишлари амалга оширилади.

6 та улчаш воситаси гуруҳи бўйича калибрлаш лабораторияларининг аккредитация доираси кенгайтирилади, шунингдек, 2 та ҳудудий филиалда калибрлаш лабораторияси ташкил этилади ва аккредитациядан ўтказилади.

Озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, енгил саноат, қурилиш ва электротехника йўналишларида хизмат кўрсатувчи 6 та синов лабораторияси Туркиянинг ТУРКАК, Словакиянинг SNAS, Беларуснинг БГЦА аккредитация ташкилотларида халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Тошкент шаҳрида металл маҳсулотларни синаш лабораториясининг янги биноси очилади (қиймати 3,5 миллиард сўм).

Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган асосий вазифалар ижросини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлиши шарт.

Давлат дастури доирасида агентлик олдида жорий йил якунига қадар сифат менежменти тизимининг халқаро ISO 9001 стандартини камида 30 фоиз вазирлик ва идоралар фаолияти тизимида жорий қилиш, ISO, Global GAP, Organic ва бошқа замонавий стандартлар жорий этилган экспорт қилувчи корхоналар сонини 30 фоиз ошириш орқали улар сонини 1300 тага етказиш каби вазифалар турибди.

ДАВР ТАЛАБИ

Жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмоқда. Ҳозир халқаро биржаларда 1 тонна бўғдой 400 АҚШ долларидан сотилмоқда ва йил бошидагига нисбатан 30 фоиз ошган. Шундай шароитда нарх-наво барқарорлигини ушлаб туришнинг ягона тўғрй йўли — фермерлар манфаъадорлигини таъминлаш ва ҳосилдорликни ошириш орқали бозорда тақлифни кўпайтириш. Демак, ғаллачиликда самарали ишлайдиган бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш замон талабига айланди.

ФЕРМЕР ВА КЛАСТЕРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОЗОР НАРХЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ушбу соҳада хусусий сектор улуши ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда **160 дан** ортқ йирик хусусий дон корхонаси иш бошлади. 2021 йил якуни билан мамлакатимиз бўйича ишлаб чиқарилган уннинг **54 фоизи** айнан улар ҳиссасига тўғри келди.

Бироқ бугунги кунда “**Ўздонмаҳсулот**” компанияси таркибидаги **43 та** дон корхонаси янги бозор шароитларида самарали ишлашга тайёр эмас. Шу пайтгача компания таркибидаги дон корхоналари фермерлардан тайёр бўғдойни қабул қилиб, уни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Натижада уларнинг ун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача **60 фоиз**дан ошмайди.

Замонавий энергиятежамкор ва ихчам ускуналар билан жиҳозланмагани сабабли давлат дон корхоналарининг тегиридон ҳаражатлари хусусий сектордагига нисбатан **20-25 фоиз юқори**, рентабеллиги эса **2 баробар** кам.

Давлат дон корхоналаридаги амалдаги эскича тизим дон етиштирувчига ҳам, қайта ишловчи корхоналарга ҳам манфаат бермаяпти. Жаҳон амалиёти шун қўрсатадики, бундай корхоналарнинг ҳам даромади, ҳам рақобатбардошлиги, ҳам сармовий жозибадорлиги ҳудуд паст бўлади.

Дунёда давом этаётган пандемия шароитига қарамай, бугун юртимизда фермер-деҳқонларимиз анчадан буён кутган ислохотларнинг янги босқичига қадам қўйилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 11 май куни ғаллачиликдаги ислохотларнинг энг муҳим босқичига бағишлаб ўтказилган йиғилишда 2022 йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархлари тизимига ўтиш ҳамда фермер ва кластерлар ўзлари етиштирган ғалласини биржа савдоларига олиб чиқиши учун барча имкониятларни яратиш топшириғи берилди.

Бу — нархни бозорнинг ўзи шакллантиради, дегани. Шунингдек, биржа савдоларида бўғдой сотадиган фермер ва ғаллачилик кластерларидан биржа тўловлари ундирилмаслиги белгилаб қўйилди.

Агар фермер ва кластерларда ўзи етиштирган ортиқча ғаллани сотиш истағи бўлса, давлат ва хусусий дон корхоналарига шартнома асосида келишилган нархларда сотади. Шу билан бирга, табдиркорлар томонидан замонавий, ихчам, энергиятежамкор ун ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш имконияти яратилади.

Берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатаси, Марказий банк, тижорат банклари ва дон корхоналари томонидан “**Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси — тижорат банки — дон корхонаси — кластер ва фермер — биржа**” занжири асосида тўлов

Президентимиз раислигида жорий йил 11 май куни ғаллачиликдаги ислохотларнинг энг муҳим босқичига бағишлаб ўтказилган йиғилишда 2022 йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархлари тизимига ўтиш ҳамда фермер ва кластерлар ўзлари етиштирган ғалласини биржа савдоларига олиб чиқиши учун барча имкониятларни яратиш топшириғи берилди.

лар амалга оширилиши бўйича **кунлик назорат тизими** йўлга қўйилади.

Ҳисоб палатасида **штаб** ташкил этилади. Штаб кунлик маълумотларни таҳлил қилиб боради, вазирлик ва идораларга таъсиялар юборади, юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чораларини қўради.

Ушбу ислохотларнинг пировард мақсади фермерлар ва кластерларнинг манфаъадорлигини таъминлаш ва ҳосилдорликни оширишдан иборат.

Фермер биржага чиқиб, ўзи етиштирган ғалласини мустақил сотса, унинг даромади ошади ва ўз меҳнати натижасидан рози бўлади. Энг муҳими, юртимиз аҳолисига арзон ва сифатли дон ҳамда дон маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси
Матбуот хизмат

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШҲТ

ЭКОЛОГИЯГА ОИД АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ УЧУН ЯГОНА ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛАДИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ШХТга аъзо давлатлар атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирлик ва идоралари раҳбарларининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ШХТга аъзо давлатларнинг атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирлик ва идоралари ҳамда ШХТ котибияти вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Нарзўлла Обломуродов очиб, табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилаётган натижалар хусусида тўхталди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ этишга йўналтирилган ислохотлар жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақавий ва глобал экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини юмшатиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ер ва сув ресурсларини муҳофаза-лаш, биологик хилма-хилликни асраш, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида соф технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар бунга мисол.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Оролбўйи минтақасининг экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилингани экологик муаммолар ечими йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда ушбу минтақада экологик барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича янги ислохотлар ва халқаро ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Жумладан, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда



муқобили бўлмаган ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

“Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам экологик мувозанатга эришиш йўлида муҳим қадам бўлмоқда. Табиийки, бу чора-тадбирлар халқимиз муносиб ва фаровон ҳаётга яшил ҳудудлар, ўрмонлар майдони кенгайяпти. Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш борасидаги ишлар ҳам тобора такомиллашга бораётди.

Бундан ташқари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, табиий заҳираларни тежаш, яшил ривожланишга эришиш борасидаги лойиҳалар кўлами кенгайилмоқда. Табиийки, бу чора-тадбирлар халқимиз муносиб ва фаровон турмуш кечириши учун қулай муҳит яратиш, инсон саломатлигини асраш, мутаносиб ривожланишга эришишга замин яратмоқда.

Табдирча делегациялар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари тўғрисида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар чегара билмайди. Улар билан курашиш

эса, глобал, минтақавий ва миллий миқёсда изчил саъй-ҳаракатларни талаб этади. Экологик хавф-хатар тобора кескин тус олаётган бир даврда бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ШХТга аъзо давлатлар учун жиддий аҳамиятга эга. Шу боис, кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни такомиллаштириш мақсадида ШХТ доирасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Томонлар 2021 йил 17 сентябрь куни Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида тасдиқланган “ШХТга аъзо давлатларнинг 2022–2024 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси”ни амалга ошириш юзасидан фикр алмашди.

ШХТнинг экологик ахборот алмашинуви учун ягона платформасини биргаликда яратиш дастури қабул қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг атроф-муҳит масалалари бўйича масъул вазирлик ва идоралари раҳбарларининг 2023 йилда ўтказиладиган навбатдаги тўртинчи йиғилишига Ҳиндистон раислик қилиши маълум қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ШХТга аъзо давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирларининг Тошкентдаги учрашуви Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган фаол экологик дипломатиянинг навбатдаги энг муҳим натижаси бўлди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Халқий ислохотлар даврида яшаймиз. Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига сари қадам қўйиб, бу катта йўлда жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга киришдик. Юртимизда одамларни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, ҳаётимизни ўзгартираётган тамойиллар янгича демократик ўзгаришларни талаб қилмоқда. Бу — Конституциявий ислохот.

Шу маънода, ўтган ҳафта ана шу муҳим ҳаётий заруратни амалга оширишнинг дастлабки босқичига қадам қўйилди. Яъни, 20 май куни Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилиб, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилди.

Конституциявий комиссия ўз фаолиятини “Жамият — ислохотлар ташаббускори” гояси асосида очиклик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда олиб боради. Бунда, албатта, халқимиз ва кенг жамоатчилик вакиллариининг таклиф ва фикрлари муҳим ўрин тутди.

Қуйида сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ҲАЁТ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари:

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Илмий соҳада табиқ этилаётган ислохотлар дунё ҳамжамиятига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган янги Ўзбекистонни танитди. Ўзбекистон бутун дунё билан тинч-тотув ва ҳамкор яшаш, манфаатларни ҳурмат қилиб, биргаликда ривожланиш мақсадларини белгиледи ҳамда рўбга чиқариш учун амалий ўзгаришларни бошлади.

Бугун ҳар биримиз Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар ва имкониятлар шаклланаётганига нафақат гувоҳ, балки иштирокчи ҳам бўлялмиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги, суз, дин ва эътиқод эркинлиги, жамоатчилик назорати, хусусий мулк дахлсизлиги каби масалаларда фундаментал ўзгаришлар бўлаётганини ҳеч ким рад этолмайди. “Жамият — ислохотлар ташаббускори”, деган эзгу мақсад фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, сиёсий партияларнинг ҳам ўз фаолиятини қайта қўриб чиқишга, ўзгаришга мажбур қилмоқда. Парламент муболағасиз “халқ уйи”га айланиб бормоқда.

Мустиқлиқнинг илк йилларидан бошлаб халқимиз қайта тикланиш даврини бошидан ўтказди. 2016 йилдан бошлаб эса Ҳаракатлар стратегияси асосида жамиятнинг барча жабҳаларида ислохотлар бошланди. Бугунги кунга келиб, бутун дунёда натижаларини аввалдан таҳмин қилиш қийин бўлган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий бўрилишлар юзига келаётган бўлишига қарамасдан, халқимизнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, Ўзбекистонни яқин ва узоқ даврда ривожлантиришни кўзда

тутган Тараққиёт стратегиясини рўбга чиқаришга киришдик.

Айнан шу босқичда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланишига самарали хизмат қилган Конституциямизни такомиллаштириш зарурати юзага келди. Жаҳонда идеал ҳужжат ёки қонуннинг ўзи йўқ. Давр ўтиши, давлатлар ва маданиятлараро алоқалар, одамлар турмуш тарзининг ўзгариб бориши Конституция ва қонунларни такомиллаштиришни тақозо қилади.

Дунёда бирон давлат йўқки, конституцияси ислох қилинмаган бўлса. XXI асрнинг ўтган 20-йиллида дунёнинг 90 та давлати конституциявий ислохотларни амалга оширди. Уларнинг 57 таси бутунлай янги конституция қабул қилган Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларидир.

Шу нуқтаи назардан, конституциявий ислохотлар халқимиз томонидан ташаббус қилинган, Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичи учун зарурат эканини таъкидламоқчиман. Мамлакатимизда бўлиб ўтган сўнгги Президентлик сайловларида сайловчилар ва номзодлар ўртасида энг кўп муҳокама қилинган мавзулардан бири ҳам айнан конституциявий ислохотлар бўлгани фикримизни тасдиқлайди.

ОИЛА МУСТАҲКАМ — ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Сенатнинг Хотин-қизлар ва
гендер тенглик масалалари
қўмитаси раиси:

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу вазифага алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда кейинги беш йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 40 та яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Илк бор миллий қонунчилигимизда “гендер” тушунчасига таъриф берилди. Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий ҳаётдаги роли муҳим аҳамиятга эгаллиги инobatта олинди, уларнинг маъкеи ҳар жиҳатдан юқори баҳоланмоқда.

Албатта, жорий ислохотлар жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда ва ижобий самара бераётганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўз навбатида, Бош қомусимизни жамиятдаги бугунги реал воқеаликка, самарали ислохотларга ҳамоҳанг уйғунлаштириш, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланаётир. Бу жараёнда оила институтини мустаҳкамлаш ва

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни янада мустаҳкамлаш давр талаби ўлароқ кун тартибига чиққани ҳам бор гап.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Бош қомусимизда оила институтини такомиллаштириш, инсоний қадриятларимизни авлодларга безавол етказиш, миллиятлараро тотувлиқни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни янгилаш бугунги ислохотларимизга мос заруратдир. Бу барчамиз учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, оила ватан ичидagi “кичик ватан”дир. Оила қанчалик бахтли бўлса, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳам шунчалик барқарорлашади.

Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИСЛОҲОТЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Ақтам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери
ўринбосари:

— Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган, жамиятимизни тубдан ўзгартираётган кенг қўлмалли ислохотлар замирида Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида белгилаб олинган залворли мақсадлар ётибди. Бу эса, ўз навбатида, мустақил юртимизнинг бугуни ва эртасини ҳал қилувчи жараёнлар даврига кириб келганимизни яққол намоён этади.

Энг муҳими, бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, бизнес ҳамжамияти ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, Тараққиёт стратегиясида белгиланган олижаноб мақсадларга эришиш гояси атрофида жипслашаётгани гувоҳи бўлмоқдамиз. Дунёдаги нуфузли экспертлар эътироф этаётганидек, мамлакатимизда иқтисодийetni либераллаштириш билан боғлиқ ислохотлар бутунлай янгича сифат даражасига кўтарилди. Мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик субъектлари эркинлигини таъминлашга қаратилган қатъий чоралар амалга оширилди.

Яна бир ҳаётий мисол — бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий ҳимоя масаласида маҳалла тизимида бутунлай бошқача кўринишдаги багрикенглик, меҳр-саховат муҳити шаклланди. Халқимиз барча ислохотлар марказида инсон омили олд ўринга қўйилган бир шароитда яшаш қанчалик бахт ва саодат эканини ўз тақдири мисолида ҳис қилаётир.

Кўп миллатли мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида илгари

сурилаётган моҳиятан мутлақо янги вазифалар, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида акс этган эзгу мақсадлар, умидбахш интилишлар шунга мос конституциявий-ҳуқуқий макон яратилишини зарурат қилиб қўймоқда.

Бугун барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилган экан, Бош қомусимизга киритиладиган барча ўзгаришлар негизда ҳам Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар моҳиятини белгилловчи улугвор “Инсон қадри учун” гояси яққол ифодаланиши лозим.

Конституциявий ўзгаришларнинг асп моҳияти ҳам шу аслида. Чунки халқимиз ҳозирги тарихий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок этмоқда. Халқимиз ўз эртаси бугунги ислохотлар замирида эканини аллақачон англаб етди, дейишга тўла асосларимиз бор.

Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ортга қайтмаслигини таъминлашга қаратилган қудратли асосни рўбга чиқаришга ишончимиз қомил.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЯШАШИ УЧУН ҲАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТАМИЗ

Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати раиси:

— Юртимизда сўнгги йилларда давлат ва жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришларга сабаб бўлган ниҳоятда муҳим ислохотлар амалга оширилди. Қонунчиликни такомиллаштириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий фаровонлиқни таъминлашга қаратилган мураккаб йўл босиб ўтилди.

Бугун ҳуқуқмат очик, прогрессив ва ташаббускор институтга айланиб борапти. Ўз ўрнида жамиятимизнинг ҳам талабчанлиги ошяпти. Ҳақиқий ва эркин фуқаролик жамияти пайдо бўлди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг учун, аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари такомиллаштирилди. Натижада фуқаролик жамияти,

нодавлат ташкилотлар давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзига хос кўприкка айланди.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Орол фожиаси нафақат минтақавий, балки бутун инсониятни ташвишлантираётган глобал экологик муаммодир. Шу боис, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг юксак минбарларидан туриб бир неча марта дунё ҳамжамияти эътиборини Орол денгизининг экологик фожиасига қаратди. Натижада БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ташкил этилди. Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинди.

Шунингдек, 2021 йил ноябрдан бошлаб мамлакатимизда қўллаб-ташкилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик иштирокида “Яшил макон”

умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни қўпайтириш ишлари йўлга қўйилди.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати Фан,
таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси
раиси:

— Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан ислох этилмоқда, жумладан, илм-фан соҳаси ҳам такомиллашаётир. Илмий-тадқиқот олиб бориш, илмий ишланмаларни ҳудудларда ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри жорий этишни назарда тутувчи янги ҳуқуқий механизмлар яратилди. Шунингдек, таълим тизимини ислох қилиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим тизимида бутунлай янгича ёндашув жорий этилди. Янги-янги мактабгача таълим муассасалари қурилиб, фарзандларимизнинг мактабгача таълимга қамрови 68 фоизга етди.

Мактаб таълими тизимида 10-11-синфлар қайта ташкил этилиб, таълим дастурлари бутунлай янгидан яратилмоқда. Мактабларда таълим сифатини оширишга энг биринчи вазифа сифатида қаралапти. Олий таълим тизимида биттирувчилар қамрови охириги 5 йилда 9 фоиздан 28 фоизга етказилди.

Илмий фаолиятини ривожлантириш соҳасида қўллаб-қувватловчи таълим муассасалари ташкил этилди, илмий кенгашлар сони ошмоқда. 2025 йилга

“Бугун барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилган экан, Бош қомусимизга киритиладиган барча ўзгаришлар негизда ҳам Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар моҳиятини белгилловчи улугвор “Инсон қадри учун” гояси яққол ифодаланиши лозим.

ҳаётига ҳам янги ҳуқуқий асос олиб киришга аминимиз. Бу билан фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми мустаҳкамланиб, янгича руҳ билан йўғрилиши, пировардида, халқимиз дунёқароши ва жамиятдаги ўзгаришларга бўлган эътиборнинг янада самардорлиги таъминланган бўлади.

Жамият манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар қабул қилинишида ноҳукумат ташкилотлар, фуқаролар ва жамоатчилик иштирокини қадролатлаш ҳам бугунги давр талаби. Яъни давлат ва жамият бирдек масъул ва бунёдкор бўлиши керак. Улар тараққиётга қўмаллашувчи куч сифатида қайд этилиши лозим. Шунингдек, эркин фуқаролик жамиятини яратиш мақсадида давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қарорлатлаш, бунда жамоатчилик назоратини рағбатлантириш ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бу каби мақсадларга эришимизда ҳам, албатта, конституциявий ислохотлар зарурлигини бугун барчамиз яхши англаб турибмиз. Шундай экан, Ўзбекистон халқининг конституциявий қадриятлари нималарда акс этишини ҳар бир фуқаро аниқ, равшан билиши зарур.

қолган полигонлар рўйхати шакллантирилди.

Хусусан, 543 та чиқинди йиғиш майдончасининг кадастр ҳужжати ишлаб чиқилди. Олтига қаттиқ маиший чиқинди полигони рекултивация қилиниб, белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимлик ер захираси майдонига қайтарилди. Ижтимоий соҳа объектларида, жумладан, богча, мактаб ва тиббиёт муассасаларида 1037 та чиқинди контейнерлари ўрнатилди.

Албатта, бу каби чора-тадбирлардан қўзланган мақсад халқимиз соғлом ва узоқ умр кечириши учун муносиб шароит яратишидир.

Шу боис, халқчил ва ҳаётий ўзгаришлар мазмундорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган конституциявий ислохот фуқароларимизнинг табиат билан уйғун яшаш учун ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу эса шубҳасиз, барқарор ривожланишнинг муҳим омилли бўлади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА
тайёрлади.



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Абдумурод БОЗОРОВ:

“УЙДА ЖИМГИНА ЎТИРОЛМАЙМАН”

Кун давомида кўёш қиздириб, кечга томон тафти анча пасайди. Кенг пахтазорда майин шабада эса бошлади. Бахтиёр ака кун бўйи далада меҳнат қилиб бироз толиққани боис, эртароқ уйга боришга интилади. Лекин буни атрофдагиларга сездиришга бироз хижолатда. Боиси, падари Абдумурод ота ҳамон қўлида кетмон, ҳеч бир парвосиз иш билан банд. Ахир отаси ишлаб турган вақтда чарчаш ҳақида гапиришнинг ўзи уят. Қолаверса, у киши чарчадим, деган одамни ёқтирмайди. Яна у кишининг бугунги ишни эртага қўймаслик одати бор. Шу боис, чидашга тўғри келади.

Буни Абдумурод ота сезгандай, ариқ тозалашни якунлаб, кетмонини яхшилаб ювишга ўтиради. Ювилган кетмон ойна каби яраклайди. Бундан ҳузурланган ота унга узоқ термулиб, олис болалик хотираларини ёдга олади...



Айни Иккинчи жаҳон уруши даврларида дунёга келган Абдумурод Бозоровнинг болалиги ҳам ҳавас қиларли даражада ўтмади. Уруш якунланган бўлса-да, болаларнинг ўйинқароқлиги, шодон кулгулари аллақачон унут бўлганди. Катта-кичикнинг елкасига бирдек ҳаётнинг оғир ташвиши тушганди. Бир бурда ноннинг қадри кўтарилган давлар Абдумурод отани ҳам меҳнат тоблади. Тинимсиз ишлаб, оиласига нафи тегтишга, вақтини беҳуда сарфламасликка ўрганди. Вақт топди дегунча, китоб ўқишга интилди. Мактаб деса мактабга ўхшамайдиган кичкинагина хонада катта-кичик ёшдаги болалар бошланғич билим оларди. Абдумурод Бозоров тенгадшларига нисбатан анча фаол, устози берган топшириқларни ўз вақтида бажаришга интиларди. Уйга қайтган эса ўша вақтда ўз қишлоғи ҳудудига ташкил этилган хўжаликка ишга чиқиб кетарди. Кенга қадар далада галлакорларга ёрдам берар, пахта экилгач, сувчиларга энг яқин кўмак-

ганди. Шу ҳудудда ўн йилдан ортқ фаолият юритган А.Бозоров кейинчалик яна Қашаши туманидаги хўжаликка бўлим бошлиғи бўлиб ишга қайтади. Бу ерда бир муддат ишлагач, тумандаги “Чим” ширкат хўжалигига бригада бошлиқлигига тақлиф этилади. У ерда ҳам ўн йилдан ортқ меҳнат қилиб, хўжаликни нафақат туманда, балки вилоятда илғорлар қаторига олиб чиқади. Одамларни меҳнатга, ер билан тиллашишга ўргатади.

Меҳнатнинг меваси ширин

Анча йиллик тажрибаси Абдумурод акани нафақат Қашаши туманида, балки вилоятда ўз соҳасининг билимдонни даражасига олиб чиқди. Шунингдек, қатор шоғирдлар тайёрлаб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Вилоят миқёсига қишлоқ хўжалигига оид катта-катта ўқув йиғинларида унинг тажрибалари ўртоқлашилди. Ёш мутахассисларга намуна қилиб кўрсатилди.

оларкан, Абдумурод Бозоровнинг кўзлари севинч ёшларига тўлди. Бир муддат ортга назар солди. Кунни кун, тунни тун демасдан, далама-дала юрган кезлари бирма-бир кўз олдидан ўтди. Кўксига тақилган қаҳрамонлик юлдузи дилини равшан қилиб, юртга меҳри янада жўшиб, қалби қувончга тўлди.

Саксон ёш оstonасидаги ўйлар

Абдумурод ота бугун саксон ёшда. У кишининг босиб ўтган умр дафтарини varaқларкансиз, фақатгина меҳнат ортидан эришилган ютуқларга гувоҳ бўласиз. Яқиндан суҳбат қилган киши ўзига бир олам ибрат олиши аниқ. Биз ҳам у киши билан суҳбат қуриш истагига излаб борганимизда, ростки, саксон ёшли отахон уйда дам олиб ётгандир, деган ҳаёлда эдик. Лекин бундай бўлиб қолмади. Қаҳрамон ота айни паллада пилла ҳосилини йиғиштириш ҳаширарида бош-қош экан. Хар йили давлатга 1 тоннага яқин пилла топширар экан. Биз борган пайтда ҳосилнинг чўғини ўзи чамалаб турган вақти эди.

— Умримнинг асосий қисми шу даладарда ўтиб, суягим меҳнатда қотди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Абдумурод ота Бозоров. — Бугунги фаровон кунларни кўриш бахтига ҳам эришиб турибман. Ростини айтишим керак, фермернинг ҳам, тадбиркорнинг ҳам омади қулган вақт келди. Эҳ-ҳе, одамларимиз бир замонлар қандай кунларни бошидан кечирмади дейсиз. Биргина пахта иши деб қанча кишилар жабр кўрди. Хўжаликлардан ҳукуматнинг сўрагани фақат пахта режаси эди. Ҳеч бир киши одамларнинг ахволи ёки дарди билан қизиқмасди. Шукрки, юртимиз тинч, осуда. Бугун, энг асосийси, инсон қадри юксалиб, одамларнинг турмуш тарзи ўзгармоқда. Ҳаётга қизиқиши ортмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хар бир соҳада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқиндагина эълон қилинган аниқлик ҳам фермерлар учун каттагина имкониятларга эшик очди. Авваллари қаллани етиштиргунча фермер тиним билмай меҳнат қилар, ҳосил тайёр бўлгач эса унга эга қўлайиб кетарди. Ҳатто бир кило ҳам бермасдан йиғиштириб кетиларди. Кўпчиликнинг орузи — ўз ҳосилига ўзи эга бўлиш эди.

Президентимиз ташаббуси биз каби деҳқонларни хурсанд қилди. Энди бемалол ўз галламизни биржа орқали сотиб, даромад олиш имкониятига эгамиз. Оқил, узоқни кўра оладиган юрт раҳбарининг таклифини барча қўллаб-қувватламоқда. Саксон ёшим муносабати билан Президентимиз табрик йўллади. Автомашина совға қилди. Бу рағбат ва эътибордан сўнг уйда жимгина ўтириб бўлармиди. Ўзи азалдан чарчадим, толиқиб қолдим, деган кишини ёқтирмаймман. Аинқиса, ёшларга кўп бора танбех бераман. Шундай замонда белни маҳкам боғлаб ўзингни кўрсат. Кучингни сарфла, ҳам соғлом бўласан, ҳам фаровон ажайсан. Давлат раҳбари қўллаб турган замонда қандингни уриб ишласанг, кам бўлмасан.

Дарҳақиқат, қилган меҳнатларию, эришган ютуқларию мактовга арзирли қаҳрамон отанинг ибрат оларли хислатлари кўп. Бугун саксон ёшда бир йиғитдан кам меҳнат қилмайдиган ота доим даласи бошида. Тўрт ўғил, тўрт қизини вояга етказди. Бугун ўттиздан ортқ неварга, ўндан ортқ чеваранинг севибли бобоси. Ўзи уларга бош бўлиб, хар йили фермерлик даласидан бир миллиарддан ортқ даромад топади. Шунингдек, йигирмага яқин кишини иш билан таъминлаган. Хар дам набиралари билан далага йўл оларкан, уларга ҳам доим меҳнатнинг тағи роҳат эканини ўқтиради. Ўзи эса бирор марта мактабини билмайди. Бобосини кўксини тўлдириб турган орденлар шодасига ҳавас-ла боққан набиралари унинг меҳнати самарасини англагандек бўлади.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Абдулла ХУРСАНОВ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси

Электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу борада юртимиз катта захирага эга экани, жумладан, комбинатимизнинг мис ресурслари 45 миллион тоннани ташкил этиши улкан имкониятлар мавжудлигидан далолатдир. Захиранинг ўзлаштириш, улардан қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эса яқин истиқбол ҳақида тасаввур қилишга имкон беради.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Жумладан, давлат дастурига мувофиқ, мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бу борада комбинатимиз тизимида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19 май куни геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ерости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдими, шунингдек, мис саноати кластерини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида устувор йўналишларни белгилаб берди.

Тақдирот жараёнида юртимизда мис ишлаб чиқариши ягона “занжир” асосида икки бараварга кўпайтириб, турдош тармоқларни ри-



бўлган ва йилига 25 миллион тонна руда қайта ишлайдиган рудани бойитиш технологияси ўрганилиб, Олмалик кон-металлургия комбинатининг келажақда қуриладиган 4-мисни бойитиш фабрикасини лойиҳалашда 4 та линияни ўрнатиш назарда тутилмоқда.



қўшилган қиймат занжирини яратишга кенг йўл очади



вожлантириш ҳисобига 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот берилди.

Бугунги кунда Канаданинг “НАТСН” консалтинг компанияси билан биргаликда Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепцияси ва 2022–2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастури тайёрланмоқда.

Бунда асосий эътибор Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган мегалоиҳалар доирасида йилига 60 миллион тонна рудани бойитадиган 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилиши ҳисобига 2024 йилдан бошлаб ҳажми 187 минг тоннага етказиладиган мис хомашисини чуқур қайта ишлашни таъминлашга қаратилади. Келажақда эса мис ишлаб чиқариш 400 минг тоннани ташкил этишини инноватга олиб, мис кластерида ҳусусий тадбиркорлар роли янада оширилади.

Ушбу кенг қўламли вазифаларни сифатли амалга ошириш мақсадида республика ишчи гуруҳи томонидан Чили ва Бразилиядоги мис кластери тажрибаси, энг илғор металлургия комбинатларининг технологиялари ва ускуналари чуқур ўрганилди.

Масалан, Чилининг “Codelco” компанияси фабрикалари ва “Чукикамата” очқ ва шахта усулида йилига 18 миллион тонна руда қазиб олинадиган қонидаги тажриба “Ёшлик-2”, “Мискон” ва бошқа конларни ўзлаштиришда қўллашни белгилаб олди.

“БНР” компаниясининг (Австралия) “Спенса” кони рудасининг таркиби ва геологияси “Ёшлик” кони характеристикасига тўғри келиши сабабли, 1 та линиядан иборат

Ангрен қувур заводидида 4 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, йилига 1,5 минг тонна мисни қайта ишлаш орқали 156 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланади. Бунда 28 та янги иш ўрни ҳам яратилади.

Шунингдек, Ангрен қувур заводидида мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган 12,6 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 12 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Гировардида яна 157 та янги иш ўрни яратилади. Келгусида мис қувурлари ишлаб чиқариш қувватини 20 минг тоннагача етказиш кутилмоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импортни кескин қисқартириш мақсадида янги турдаги тоғ-металлургия машиналари, ускуналари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи Машинасозлик заводини қуриш бўйича ҳисоб-китоблар тайёрланмоқда. Бу заводнинг прогноз қиймати 500 миллион доллар бўлиб, 2024 йилда ишга туширилади. Унда 35 турдаги янги жиҳозлар ва тайёр ускуналар ишлаб чиқарилади ҳамда 2 мингта янги иш ўрни яратилади.

Албатта, ушбу кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш янги барпо этиладиган корхоналарда замонавий технологиялар ва ускуналарда ишлаш оладиган муҳандис ва техник ходимларни тайёрлаш билан бир вақтда олиб боришмоқда.

Хусусан, бугунги кунда соҳага зарур бўлган 340 нафар олий маълумотли муҳандис кадрлар Москва пўлат ва қотишмалар институтининг Олмалик филиали, Тошкент техника университети, Навоий кончилик ва технологиялар университети ҳамда бошқа олий таълим муассасаларида тайёрланмоқда.

Бунда асосий эътибор кон-металлургия йўналишлари бўйича замонавий ва энергия самарадор техно-

логиялар ва ускуналарни ўрганишга қаратилмоқда. Шунингдек, таълим сифатини ошириш учун ўқув жараёнига йил давомида Олмалик филиалига 8-10 нафар хорижий профессор ва олимлар жалб қилинмоқда. Талабаларни комбинат корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётларини ўташи ва ёш кадр билан доимий равишда ишлаш, унинг билими ва малакасини узлуксиз ошириб боришни таъминлайдиган уста-шоғирд тизими йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, мис саноати кластери учун ўрта бўғим мутахассислари Олмалик кон-металлургия коллежидида тайёрланапти. Хусусан, жорий йилда 450 нафар, келгуси ўқув йилида яна 162 нафар техник ходим тайёрланиб, иш билан таъминланади. Бунда коллеж



Мамлакатимизда мис саноати кластерини ривожлантириш ҳолатини айрим рақамларда кўрсатиш мумкин. Мисол учун, 2018 йилда 22,4 минг тонна мис қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 71 минг тоннани ташкил этади.

Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан ҳам юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида мис ва руҳини чуқур қайта ишлашга мўлжалланган, умумий қиймати 27,4 миллион долларлик 11 та лойиҳа жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бунда йилига 11 минг тонна мис ва 4 минг тонна руҳдан қўшимча 134 миллион долларлик мис листлари, тасмалари, фольгаси ва кукунни каби экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Электромобиллар сонининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, комбинатда электромоторларда ишлатиладиган турбурчакли сим ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам бошланди. Лойиҳанинг биринчи босқичида ишлаб чиқариш қуввати 6 минг тоннани ташкил этади. Келгусида бу кўрсаткич 12 минг тоннага оширилиб, тулик экспорт қилинади.

Ҳозирда 8 минг тонна мис қувурлари ишлаб чиқариш қувватига эга

Президентимиз ташаббуси биз каби деҳқонларни хурсанд қилди. Энди бемалол ўз галламизни биржа орқали сотиб, даромад олиш имкониятига эгамиз. Оқил, узоқни кўра оладиган юрт раҳбарининг таклифини барча қўллаб-қувватламоқда. Саксон ёшим муносабати билан Президентимиз табрик йўллади. Автомашина совға қилди. Бу рағбат ва эътибордан сўнг уйда жимгина ўтириб бўлармиди.

чига айланарди. Болалигининг асосий кунлари далада — деҳқонлар орасида ўтган ёш ўсимирда қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиқиш пайдо бўлди. У келгусида шу касб эгаси бўлиш, бўлганда ҳам энг илғорлар сафида туришни орзу қилди.

Орзулар сари қадам

Қамаши туманидаги Сарбозор қишлоғида туғилиб вояга етган Абдумурод Бозоров ўрта мактабни тугатган, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан аъло баҳоларда ўтиб, талабалikka қабул қилинди. Қишлоқ йиғитининг тиришқоқлиги ва билимга ташналиги тезда олийгоҳда ҳам унинг илғорлар сафидан жой олишига сабаб бўлди. У талабалар орасида ўтказиладиган танловларда, беллашувларда голиблар қаторидан жой олишга интилди.

Болалиги қишлоқда ўтган йиғит учун агрономлик соҳасини эгаллаш анча осон кечди. Олийгоҳни тамомлаб, Қашаши туманидаги хўжаликлардан бирига агроном бўлиб ишга келди. Энди у институтда олган билимларини амалда қўллаш вақти келганидан мамнун эди. Барчани сабабот экинларидан таъминлаб пахта, ғаллагача ҳосилдорлигини оширишга, хар бир қарич ердан унумли фойдаланишга чорлади. Қилган ҳаракатлари тез орада самара бера бошлади. Ёш агрономнинг кўрсатмалари натижасида хўжаликда ҳосилдорлик ортиб, шу пайтгача бажарилмаган режалар аста-секин меъёрига етиб борди. Бу эса ёш мутахассисга бошқа хўжалик раҳбарларининг қизиқишини оширди. Кўпчилик уни ўз ҳудудига ишга тақлиф эта бошлади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари орасида тилга тушган агроном қайта-қайта тақлифлар натижасида Нишон туманидаги хўжалик бўлим бошқарувчиси лавозимига ишга юборилди. Янги жойида ҳам тезда ўз билим ва тажрибаси эвазига эътирофларга сазовор бўлди. Ёш агроном, аввало, ҳудудда ер ҳосилдорлигини ўрганиб чиқарди. Қайси касаллик қайси вақтда кузатилишини аниқлаб, шунга қараб чора қўришга ҳаракат қиларди. Бу изланишлари, қилган меҳнатлари натижасида уни кейинчалик хўжалик бош агрономлигига тақлиф қилинди. Бундан янада илҳомланган мутахассис кўпроқ вақтини далада ўтказишга ҳаракат қилди. Энди ўз ишининг билимдон, бошқа агрономларга ҳам керакли маслаҳат берадиган малакага эга бўл-

Мамлакатимизни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифати ва олий таълимга қамров даражасини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида шакллантириш, узлуқсиз ўқитишнинг жозибадор тизимини яратиш, халқро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва изчил фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, интеллектуал қобилиятини намоён этишга қодир бўлган маънавий баркамол авлодни вояга етказиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий стратегик мақсадлари ҳисобланади.

Олий ўқув даргоҳлари, илмий-тадқиқот институтларига эга таълим муассасалари бутун дунёда жамиятнинг энг нуфузли устунларидан бири, глобал билимга асосланган иқтисодиёт учун ўсишнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади. Олий ўқув юртлари янги ғоя ва кашфиётлар, жумладан, технологик ютуқлар манбаи, маданият ва санъат марказлари ҳамда минтақавий ривожланиш учун катализаторлар ўчоғи вазифасини ўтайди.

Бошланғич ва умумий ўрта таълимнинг шахс камолотига таъсири муҳимлигини эътироф этган ҳолда, ҳозир олий таълимнинг мамлакат салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти қайта кўриб чиқилмоқда. Бу иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган ва камбағалликни камайтирадиган янги таълим сиёсатини юритишга ундайди. Олий таълим бошланғич ва ўрта таълимдан ташқари техник ва касбий салоҳиятни ошириш, шунингдек, барча даражадаги малакали ўқитувчиларни тайёрлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълимнинг умумжамиyat ривожига таъсири ва аҳамиятини давлат ва аҳоли даромади, иқтисодий-ижтимоий манфаатлар муқоасси доирасида ўрганиш лозим. Ривожланаётган мамлакатлар олий таълим тизимининг билим яратиши ва уни капиталлаштириши, ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бериши рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиради.

Олий таълимнинг шахсий ва ижтимоий афзалликлари хусусий даромаднинг орттишидан ташқари юқори даражадаги қатор давлат хизматлари ўртасидаги ўлчовли муносабатларни белгилайди. Ушбу ижтимоий имтиёзлар меҳнат унумдорлиги, фуқаролар фаоллиги ошиши, узок муддат давомда саломатлик яхшилланиши, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик каби ижтимоий хавфли ҳолатлар камайтилиши ўз ичига олади. Олий маълумотли ҳамкасбларнинг меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ривожланаётган мамлакатлар кучли иқтисодий ўсишга қарамай, камбағалликка қарши курашда давом этар экан, ижтимоий адолат ва инсон тараққиёти ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга қўра, ижтимоий адолат муайян бир натижа, саломатлик, таълим ёки даромад ҳолати бўйича тенгликни назарда тутмайди. Бу объектив идеал ҳолат бўлиб, унга қўра, инсонларнинг ютуқлари ирқи, жинси ва ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиши каби олдидан белгиланган хусусиятларга эмас, балки шахсий саъй-ҳаракатлар, танлов ва ташаббусга боғлиқ бўлади. Натижада тенглик одамларга тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш ва ҳаётий имкониятлардан барабар фойдаланиш керак, деган ишончга асосланган маънавий тенглик масаласига айланади. Бу идеал давлат хизматларидан, инфратузилмадан ва барча фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан, жумладан, таълим олиш ҳуқуқидан тенг фойдаланишни кўзда тутаяди.

Мамлакатнинг табиий ресурсларини унинг асосий бойлиги ва даромад манбаи деб ҳисоблаш технологик жиҳатдан рақобатбардош бўлмаган иқтисодиётга эга, энди ривожланаётган давлатлар учун хос тушунчадир. Замонавий ахборот жамиятида билим табиий ресурслар, капитал ёки технологиядан кўра кўпроқ иқтисодий ўсиш, ривожланиш омилли сифатида доим барқарор инновацион тараққиётни рағбатлантиради. Инсоннинг интеллектуал салоҳияти эса чекланмаган ресурс сифатида уни ривожлантиришни талаб қилади ва билимларни капиталлаштириш, инновацион ишланма, ноу-хауларни тижорийлаштириш, жорий қилишни иқтисодиётнинг барқарор ўсиш омилли даражасига кўтаради. Шунинг учун ҳозир олий таълимнинг билим яратиши, иқтисодий ўсиш ва инновацион ривожланишнинг асосий манбаи сифатида инсон капиталини шакллантириши долзарб масалага айланган.

Инновацион ривожланиш шунчаки инновацион усуллар ёки воситаларни қўллаш орқали содир бўлмайди, балки ижодий фикрлайдиган, янги технологияларни яратадиган, жамият ҳаётида мавжуд муаммолар ечимини ҳал қила

оладиган олий маълумотга эга инсон ресурсларини тайёрлашни тақозо этади. Агар кўпроқ аҳоли олий таълим олган бўлса, билимларни ўзлаштирса ва улардан фойдаланса, жамият ҳаёти ва тараққиётдаги фаол иштироки таъминланади. Билим ва олий маълумотга эга бўлганлар сони ошиши жамиятдаги тенгсизлик ва камбағалликни камайтиришга, ижтимоий адолат ўрнатишга катта ҳисса қўшади.

Ҳозир аввалгидек олий маълумот олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳатто магистр, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) даражаси ҳам етарли эмас. Энди ҳар бир инсон узлуқсиз таълим олиши ва малакасини ошириб бориши шарт. Чунки бу кўникмалар мазмунли доим ўзгариб туради.

Инсон ресурслари доим рақобатбардош бўлиши учун таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган касб-хўнаар таълими ва касбга тайёрлаш ҳамда узлуқсиз таълимни ривожлантиришнинг фуқаро ва корхона учун манфаатли ва жозибадор тизимини яратиш лозим. Бу шахснинг рақобатбардошлиги ва ишга жойлашиши учун муҳим. Шунингдек, ижтимоий интеграция, фаол фуқаролик ва маънавий ривожланишни таъминлайди.

Тўртинчи саноат инқилоби, технологик такомиллашув каби бошқа ўзгаришлар микдорий ва сифат жиҳатидан инсон ресурсларини барқарор тайёрлаш учун касбий таълим ва ўқитишнинг янги парадигмасини талаб қилади. Келажақда меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, янги талаб қилинадиган малакаларни таъминлайди, касб-хўнаар таълими, ўқитиш соҳасидаги миллий сиёсатни режалаштириш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

Ҳозир ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан ортиғини “билимга асосланган иқтисодиёт” ташкил қилапти. У иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатида юқори технологияли, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда ва хизматлар кўрсатмоқда.

Жаҳон тажрибаси олий маълумотлилар кўпроқ даромад топаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, Янги Зеландия Таълим вазирлиги ўтказган тадқиқотга қўра, олий маълумотлилар умумтаълим мактаби битирувчиларига қараганда соатига 7 доллар кўп маош олади. АҚШ Иқтисодиёт ва статистика

таълим муассасасининг QS ва THE халқаро рейтингларида киришини таъминлаш режалаштирилган. Тарихга назар ташласак, 1950 йили Буюк Британиядаги ёшларнинг атиги 3-4 фоизи олий таълим олиш имкониятига эга бўлган, ҳозир бу кўрсаткич 50 фоизга етган. Бу рақам Корея Республикасида 94 фоиз, Японияда 81 фоиз, Россияда 79 фоиз, Қозоғистонда 46 фоиз, Хитойда 39 фоизни ташкил қилади.

Юртимизда олий таълимга талаб юқори бўлиб, биргина Россиядаги олий ўқув юртларида Ўзбекистоннинг 50 мингдан ортиқ фуқароси ўқиётга-

ва шифокорларнинг ойлик маошини босқичма-босқич минг АҚШ доллари эквивалентига етказиш юртимизнинг илгор давлатлар сафига кириши учун қўйилган ишончли қадамдир.

Мамлакатимизда олий маълумотлиларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ва мобиллиги юқори бўлиб, уларнинг фаол ҳаёт даври одатда бошқаларникига қараганда кўпроқ давом этади. Шу боис, олий таълимни ва инновацион ривожланишни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Чунки мамлакат фаровон, адолатли ва барқарор бўлиши олий таълимнинг иқтисодий, ижтимоий, сиё-



1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида таълим даражаси бўйича кўрсаткичлар, 2020 йил (фоиз)

	Жами	шу жумладан		
		ўрта маълумотли	ўрта махсус маълумотли	олий маълумотли
Жами банд аҳоли	100	26,4	55,4	18,2
Чет элга ишлаш учун кетганлар	100	36,6	60,3	3,1
Ишга жойлашишга эҳтиёжмандлар	100	28,3	58,9	12,8
Норасмий меҳнат билан бандлар	100	35,9	52,2	11,9
Жами бўш иш ўринларига қўйилган талаб (2022 йил 29 апрель ҳолатига қўра)	100	9,6*	41,1	49,3

*маълумот талаб этилмайди.

ни, дунёнинг бошқа мамлакатларидаги ўзбек талабаларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 100 мингдан ортиқини кўриш мумкин. Давлат тест маркази томонидан 2021/2022 ўқув йили учун рўйхатдан ўтказилган аби-туриентлар сони 686,8 минг нафардан

сий ва экологик, интеллектуал инфратузилмага айланишини талаб қилади. Бу келгуси ўн йилликда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун раҳбар, ўқитувчи, тиббиёт ходими, олим, тадқиқотчи ва бошқа кадрларнинг кесий авлодини тарбиялаш учун масъул таълим масканларидир.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан ортиқ ёшнинг меҳнат бозорига кириб келиши унинг профичитини белгилайди ва аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш, янги иш жойлари очиш, халқро стандартлар асосида касб-хўнаар ва олий маълумот билан таъминлаш масаласини тобора долзарб вазифага айлантиради.

Олий маълумотга эга бўлишнинг юқори даражаси меҳнат бозорида барқарорлигини таъминлашга, ишсизлик, таъқиқ меҳнат миграцияси, норасмий меҳнат билан бандлик, қонунбузарлик ва камбағаллик кўламни (Ўзбекистоннинг камбағаллик кўрсаткичида олий маълумотга эга бўлганлар улуши 6,7 фоизни ташкил қилган) кескин камайтиришга муҳим роль ўйнайди. Иқтисодиётда жами иш билан банд аҳолининг 18,2 фоизи олий маълумотга эга бўлса-да, иқтисодиётни рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инновациялар ва АКТнинг кенг, жадал татбиқ этилиши интеллектуал иш ўринлари кенгайишга ва натижада олий маълумотга эга мутахассисларга талаб ошишига сабаб бўлмоқда (1-жадвалга қараган).

Олий таълимга қаратилган ҳар қандай тежамкорлик инсон ва жамият учун улкан салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий омилли сифатида олий таълимнинг янада инклюзивлигини таъминлаш ҳамда узлуқсиз таълимни яратиш ҳисобига барқарор янгиланишлар катализатори сифатидаги парадигмани ўзгартиришимиз лозим. Ўзбекистон Президентининг жорий йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар



ни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хотин-қизларнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёни ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, гендер тенгликни таъминлаш, хусусан, олий таълим олишига кўмаклашишда жуда катта аҳамиятга эга.

Ушбу ҳужжатга қўра, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил давлатга фоизсиз таълим кредитлари ажратилади.

Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан қўллаб берилади. Ҳар йили вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг 150 вақили, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум талаба хотин-қизларнинг таълим контрактларини маҳаллий бюджет ҳисобидан тўлаб беради.

Давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камидан 300 тадан мақсадли квота ажратиб бориш, уларнинг бандлиги, тадбиркорлигига кўмаклашиш, касбий кўникмаларини ошириш, уй-жой билан таъминлашга кредит ажратиш, бошқа қўллаб имтиёз ва чора-тадбирлар белгиланган.

Юртимиздаги давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларга яратилган кенг имконият, имтиёзлар ҳамда уларга қаратилган эътибор аксарият ривожланган давлатлар учун ҳам намунадир. Чунки қайси давлатда аёлга эътибор, ҳурмат юқори бўлса, ўша жамиятнинг тараққиёти, барқарорлиги, фаровонлиги ва келажаги мустаҳкамдир. Халқимизда фарзандни ўқитиш билан боғлиқ бир ҳикмат бор: ўғил болага берилган таълим бир одамни, қиз болага берилган таълим эса бутун халқни саводли қилади.

Олий таълим билан қамраб олиш даражаси, таълим сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантириш Ўзбекистоннинг билимга асосланган иқтисодиётни барпо этишида асосий омилдир. Олий таълим муассасалари бутун дунёда нуфузли муассаса ҳисобланиб, билимга асосланган глобал иқтисодиёт учун ўсишнинг асосий двигатели бўлиб хизмат қилади. Олийгоҳлар янги ғоя, кашфиётлар, жумладан, технологик тараққиёт манбаси сифатида тараққиёт катализатори вазифасини ўтайди.

Инсон капитални ривожланиши аҳоли турмуш даражаси ўсишига катта таъсир этувчи, мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи энг муҳим кўрсаткичлардандир. Халқро таққослаш амалиётида ҳар йили инсон капиталининг микдорий параметрларини ўз ичига олган Инсон тараққиёти индекси ҳисоблаб чиқилади. АҚШли олим, иқтисодиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти олиган Р.Лукаснинг фикрича, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичи сифатида меҳнат унумдорлигини ошириш, биринчи навбатда, жисмоний капиталга эмас, балки инсонга йўналтирилган инвестициялар билан боғлиқ. Шахсга инвестиция киритиш билим, тажриба, ишлаб чиқариш ва бошқарув кўникмаларини алмашиш, шунингдек, синергик самара яратиш, олий таълим ва маданият стандартларини ишлаб чиқиш орқали ҳодимнинг ва

бошқаларнинг ҳам иш самарадорлигини оширади.

Олий таълим битирувчиларни нафақат карьера учун имконият излашда зарур билим ва кўникма билан таъминлайди, балки ҳозирги тез ва шиддатли ўзгараётган шароитда асосланган қарорлар қабул қилиш, уларнинг оқибатини тушуниб етишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунингдек, билимга асосланган иқтисодиётни куриш орқали ривожланиш имконини беради.

Ҳозир бутун дунёда иқтисодиёт ва иш берувчилар ўрта таълимдан кейинги таълимда олинадиган кўникма ва компетенцияларга тобора кўпроқ эътибор қаратапти. Бу мамлакатларга глобал даражада иқтисодий афзалликларни тақдим этиб, уларни янада рақобатбардош қилмоқда.

Олий таълим инсон капитални компетенцияси билан боғлиқ равишда иқтисодиётга қўшимча тарзда тадқиқот ва ривожланиш деб номланувчи келажақ учун зарур бўлган билимларни яратишда муҳим роль ўйнайди. Олий таълим муассасалари мамлакатдаги илмий тадқиқот кўламини белгилувчи асосий омил бўлиб, илмий ишланмаларга йўналтирилган сармояларнинг рентабеллик даражаси 80 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўқитишни тадқиқот ва эмпирик билимлар билан уйғунлаштириш талабаларни фан бўйича зарур билимлар, шунингдек, таҳлилчи, ижодий кўникмалар, танқидий фикрлаш билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунга монанд таълим сифати ўзгаришлар суръатига мос ҳолда зарур билим, кўникмаларни беришга қодир бўлиши керак.

Шу билан бирга, олий таълим соҳасидаги муаммоларни тан олган ҳолда, уларни ҳал этиш ҳамда креатив, тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, ўқитиш сифатини халқаро стандартларга мослаш, олий таълим муассасаларининг илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциясини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, инсон ва жамиятни трансформацияловчи, мамлакат фаровонлигини таъминловчи асосий институтлар сифатида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, лабораториялар, зарур ускуналар билан таъминлаш ҳамда фаолиятга тегишли бўлмаган ишларга жалб қилмаслик зарур.

Иккинчидан, академик ва молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари фаолиятини, таълим сифати ва стандартни халқаро рейтингда нуфузини оширишга қаратилган аниқ натижаларга уйғунлаштириш ва шу мақсадда “йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Учинчидан, олий таълим муассасаларининг рейтингини, биринчи навбатда, талабаларга замонавий билим берувчи, фанга қизиқтирувчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, тажрибаси, малакасига боғлиқлигини ҳисобга олиб, фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари — KPI асосида баҳолаш ва моддий рағбатлантириш давр талабидир.

Тўртинчидан, фан дастурларини иқтисодиёт ва илм-фандаги ўзгаришлар асосида мунтазам янгиллаб бориш, нуфузли олий таълим муассасаларида ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари очиш ва уларнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан манфаатли ҳамкорлигини ўрнатиш ҳамда университетларни инновациялар масканига айлантириш даркор.

Янги Ўзбекистонда олий таълим инсон капиталини ривожлантириш, меҳнат бозорида рақобатбардош инсон ресурсларини тайёрлаш, жамиятни демократлаштириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш, илмий салоҳият ва аҳоли фаровонлигини ошириш, билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш омиллига айланмоқда. Таълим, хусусан, олий таълим тизимини халқро стандартларга мослаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мамлакат тараққиётга қаратилган ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида юрт фаровонлигига хизмат қилади.

Беҳзод ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Абдувахоб УМАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди

ИЛМ-ФАН ФИДОЙЛАРИ

ЁЛҚИН ҲАЁТ

Ўзбек биокимё мактаби асосчиси, таниқли эндокринолог, халоскор шифокор, фан ва жамоат арбоби, дунёнинг машхур олимлари эътирофига сазовор бўлган академик Ёлқин Холматович Тўрақуловнинг ёлқин ҳаёти миллатимиз, юртимиз, фан ва таълим-тарбиямиз тараққиётига фидойилик билан хизмат қилишда барчага ибратдир.

Тошкентлик Тўрақул исмли ишбилармон XIX асрда хунармандлик ва савдо ишларини кенгайтириш мақсадида Марки шахрига кўчиб боради ва шу жойда палак отади. У фарзандлари ўқимишли бўлиши учун барча шароитларни яратиб берди ва улар ўз даврининг пешқадам зиёлилари қаторидан ўрин олди. Айниқса, Холмат исмли ўғли диний ва дунёвий билимларни теран билиши билан ҳурмат қозонди. Шу боис, ёш бўлишига қарамай, унга ҳамма Холмат домла дея муурожаат қиларди. Зиёлилар эса Холмат домланнинг бой кутубхонаси тўғрисида бир-бирига ҳавас билан гапирарди. Холмат домла отаси каби хунармандлик ва деҳқончилик ишларини пухта биларди. Бироқ матрифатли бўлгани учун уни Марки шахри маориф бўлимини бошқаришни таклиф этишди. Бу даврда унинг таълим-тарбияга оид кўплаб мақолалари чоп этилди. Кейинроқ Тошкентга келди ва зукко хаттотлиги билан уламолар назарига тушди.

Холмат домла наманганлик қизга уйланди. Оилада бир қиз ва уч ўғил воғда этди. Тўнғич ўғил Абдулазиз (у кейинчалик Ёлқин деб аталди) 1916 йил 10 ноябрда туғилди. Абдулазизнинг ғайрати ичига сигмасди, жуда қизиқувчан эди. Олти ёшида амакилари ўқитувчилик қиладиган мактабга ўқишга борди. Эът орада она тилида ўқиш-ёзишгигина эмас, рус тилини ҳам ўрганиб олди. Қичик амакиси жиянидаги иқтидорни кўриб, унда шеър, мақола ёзиш, рус тилидаги қичик лавҳаларни таржима қилишга қизиқиш уйғотди ва 9 ёшида Тошкентда очилган янги мактабга ўқишга олиб кетди.

Бу мактабда ўқувчиларнинг қанча китоб ўқиши назорат қилинарди ва тўғарақлар иши ҳам яхши йўлга қўйилганди. Абдулазиз икки ҳафта ичида 18 та китоб ўқиганини кундалик дафтарига ёзиб қўйди. Ёзувни қуриб ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам ҳайрон қолди. У шахмат ўйинига ҳам берилиб кетди, тинмай мусобақаларда қатнашарди ва мактабнинг кучли шахматчиси сифатида тилга тушди. Уша вақтда ўтказилган “Келажакда қимга ўхшашни истайсан?” сўровномасига у “Алёхиндай буюқ шахматчига ўхшашни истайман”, дея жавоб қайтарганди. Унга Алёхиндай шахматчи бўлиш насиб этмади. Мактабдагилар у “мулпаннинг ўғли” эканини билиб қолмишди ва Маркига қайтишига тўғри келди.

Тоғаси уни Намангандаги янги мактабга олиб кетди. Бу мактабда адабиёт тўғраганини шоир Раффи Мўмин бошқарди. У Абдулазизнинг шеър ёзишга қобилиятини дарҳол пайқайди ва Ёлқин таҳсиллусини берди. Тошкентдаги ёшлар газетасида ҳам Ёлқиннинг шеърлари тез-тез эълон қилинадиган бўлди. Уша вақтларда у ҳазрат Навоийдай шоир бўлишни орзу қилган бўлса, ажабмас. Чунки у болалигидан олдига юксак мақсадларни қўярди.

Мактабни тугатиш арафасида иқтидорли ўқувчилар қаторида Ёлқиннинг ҳам ҳужжатларини Урта Осиё тиббиёт институти тайёрлов факультетига олиб кетишди. Шу тариқа у 1931 йилда Тошкент шахрига келди. Институтнинг қимё кафедрасини Германияда ўқиб келган Саттор Жаббор бошқарарди. У билан немис олими Энгеланд ҳам келганди. Бу вақтда Ёлқин рус тилини яхши биларди. Устозлари рус бўлимидаги талабаларга лекция ўқиганда таржимонлик қиларди. Кейинчалик ўзи мустақил равишда рус бўлими талабаларига амалий машғулотлар ўта бошлади.

1936 йилда институтни тугатган Ёлқин Тўрақулов “Ўздавнаш”нинг тиббиёт бўлимига муҳаррир этиб тайинланди. Муҳаррирлик фаолиятида орттирган тажрибаси кейинчалик мақола ва китоблар ёзишда жуда қўл келди. 1937 йилда Тошкент тиббиёт институти аспирантурасига қабул қилинган Тўрақулов 1939 йилда янги ташкил этилган Тошкент фармацевтика институтининг биринчи раҳбари этиб тайинланди.

1941 йил 23 июнь куни институтда ўтказилган йиғилишда Ёлқин Тўрақулов кўнгиллилар қаторида фронтга боришни билдирди. Фақат уч кунга рухсат сўради. Чунки институт илмий кенгаши кун тартибига унинг биология фанлари номзодлиги учун ёқлайдиган диссертацияси химояси

ҚАЙСИ ЎЗБЕК ОЛИМИДАН ХАЛҚАРО НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ҚЎМИТАСИГА ЎЗ ИЛМИЙ ИШЛАРИНИ ЖЎНАТИШ СЎРАЛГАН ЭДИ?

қўйилганди. 24 июнь куни унга соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозимини таклиф этишди. У менинг ўрним фронтда, дея таклифни рад қилди. Номзодлик диссертациясини химоя қилиши билан ҳарбий қисмга жўнаб кетди. Ҳарбий врач сифатида ярадорларга тиббий хизмат кўрсатишдаги жонбозликлари учун жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. 1944 йилда оғир ярадор бўлгач, ҳарбий хизматдан истеъфога чиқарилди ва Тошкентга қайтди.

Бироз соғайиши билан фармацевтика институти раҳбарлигига қайтаришди. 1945 йилда юртимизнинг 50 нафар иқтидорли йигит-қизига етакчи сифатида Тўрақулов ҳам фан докторлиги илмий ишини қилиши учун Москвага жўнатилди. Лекин у докторлик ишини ниҳоясига етказмади, сабаби 1947 йилда Тошкент тиббиёт институти ректори этиб тайинланганди. Тўрақулов унга ажабланиб қараган дўстларига: “Битта фан доктори кам бўлса бўлар, лекин мен юзлаб талабаларга, бўлғуси ёш врачларга ёрдам бера оламан”, деди. Чиндан ҳам у бўлғуси врачларга, профессорлардан оқдйи ходимларгача ғамхўрлик кўрсатди. 1948 йилда Маҳмуда Маҳкамова билан оила қургани қадрдон институтдан ёрқин лаҳза бўлиб хотирасида қолди. Институтда виждонан ишлаётган, рус ва немис тилларини ҳам пухта биладиган Тўрақуловни миллатчилиқда айбонлашди ва 1950 йилда ректорликдан бўша-тишди.

У Қишлоқ хўжалиги институтида биокимёвий тадқиқотларини давом эттирди. Барибир докторантурани тугатишга эҳтиёж сезди ва Москвага жўнади. Лекин, яна докторантурани ниҳоясига етказма олмади. Янги ташкил этилган Андижон тиббиёт институтига проректор вазифасига тайинлангани учун 1955 йилда Москвадан қақриб олмиди.

1957 йилда Тўрақулов Тошкент Ядро физикаси институтига қақрилди. Қўп ўтмай, янги ташкил қилинган ўлка тиббиёт институтига директор этиб тайинланди. Шу билан бирга, институтдаги гормонлар биокимёиси лабораторияси мудири вазифасини бажарди. Яна ташкилий ишлар, илмий салоҳиятли жамоани шакллантириш... Бундай ишлар Тўрақулов учун янгилик эмасди. 1959 йил Тўрақулов учун муваффақиятли келди. У қалқонсимон без гормонлари ва йод алмашинуви-га бағишланган докторлик диссертациясини ёқлади. Докторлик диссертацияси асосида ёзилган “Тиреоид гормонлар ва йод алмашинуви” монографияси чоп этилди. Бу монография илм аҳлида катта қизиқиш уйғотди. Қўп ўтмай инглиз тилига таржима қилиниб, Исроилда нашр этилди ва дунё олимлари эътирофига сазовор бўлди. Айнан уша йили умр йўлдоши Маҳмуда Маҳкамова ҳам номзодлик диссертациясини ёқлади (кейинроқ у ҳам фан доктори бўлди).


1961 йилда Ёлқин Тўрақулов Копенгагендаги эндокринологлар, Москвадаги биокимёгарлар конгрессида қатнашди. Сафардан қайтиши билан Ядро физикаси институтига директор ўринбосари ва биофизика бўлими мудири этиб тайинланди, Ўзбекистон Фанлар академияси муҳаррир аъзолигига сайланди. 1962 йилда малака ошириш учун Парижга илмий сафарга борди. Тўрақулов дастлабки кунларда кўчага чиқмади. Чунки ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларини билса ҳам ҳали француз тилида эрқин гаплаша олмасди. Француз тилини ўргангач, бемалол кўчага чиқа бошлади. Сафар давомида академиклар Жон Раш ва Раймонд Мишелнинг лабораторияларида замонавий технологияларни ўрганиб қайтган Ёлқин Тўрақулов янги ғоя ва ғайрат билан ишга киришди. 1963 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да биокимё ва биофизика кафедраси ташкил этилишига эришди. Узоқ йиллар шу кафедрга ўзи раҳбарлик қилди ва талабаларга биокимё, молекуляр биология каби фанлардан сабоқ берди.

Организмда йод етишмаслиги қўллаб касалликларни келтириб чиқаради. Улардан бири буюқ касаллигидир. Тўрақулов бу касаллиқни ҳеч қандай жарроҳлик амалиётисиз йод изотопи билан даволаш мумкинлигини илмий жиҳатдан исботлади. Бу амалиётда синовдан ўтказилди


ва қутилгандек ижобий натижаларга эришилди. Мазкур илмий кашфиёт учун Ёлқин Тўрақулов ва Ражаб Исомбековга 1964 йилда юксак давлат мукофоти берилди. Уша йили Тўрақулов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлди. 1966 йилда у Фанлар академияси академиклигига сайланди ва 1967 йилда унинг ташаббуси билан очилган Биокимё институтига директор этиб тайинланди. Уша йилларда биокимё фани ютуқлари ва Тўрақулов ҳақида матбуотда тез-тез материаллар бериларди. Ёлқин Тўрақулов туфайли биокимё соҳаси элимизда машхур бўлди.

1970 йилда олим Самарқанд давлат университетига ректор этиб тайинланди. Университетнинг моддий-техник базасини пухта ўрганиб чиққач, Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов номига 8 қисмдан иборат асосий талабалар қўйилган хат ёзди. Бу талаблар инобатга олиниб, университетнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва кўшимча бинолар қуриш борасида зарурий ишлар бошланди. 1972 йилда у Фанлар академиясининг биология бўлими котиби этиб сайланганди. Айнан уша йили Тўрақулов масъул муҳаррирлиги ва ҳаммуаллифлигида “Тиреоид гормонлар” монографияси нашр этилди. 1975 йилда бу монография АҚШда инглиз тилида чоп қилинди. 1976 йилда уни қадрдон ўлка тиббиёт институти директорлигига қайтаришди (1989 йилдан Эндокринология институти деб номланди ва 1996 йилдан шу ерда илмий маслаҳатчи бўлди).

Тўғри, у болалигида орзу қилгани каби Алёхиндай шахматчи, Навоийдай шоир бўлмади, лекин дунё олимлари тан олган биокимёгар ва эндокринолог Ёлқин Тўрақулов номи билан тарихда қолди. Фирқимизнинг исботи сифатида со-биқ иттиқот Тиббиёт фанлари академияси но-мидан 60 йиллигига йўлланган табрикномадан парча келтирамиз: “Қалқонсимон без патоло-гияси, физиологияси ва биокимёси бўйича олиб борган тадқиқотларингиз сизга ҳақли равишда шон-шараф келтирди. Ёлқин Холматович, энди сиз шу соҳалардаги илмий ишларга баҳо бе-ришда энг олий ҳақамсиз”. Бу эътироф шу соҳа билимдонларини бирлаштирган академия томо-нидан ёзилган.



1991 йил март ойда олимнинг иш столида Стокгольмдан, Халқаро Нобель мукофоти қўмитасидан келган хат пайдо бўлиб қолди. Тошкентга 1991 йил сентябрь ойда келган хатда Ёлқин Тўрақуловдан 1991 йил 31 январгача илмий ишларини Халқаро Нобель мукофоти қўмитасига жўнатиш сўралганди. Нобель мукофоти қўмитасидагиларининг мақсадлари қатъий экан, улар шундай мазмундаги хатни 1997 йил кузида Ёлқин Тўрақуловга яна жўнатишди. Унда ҳам илмий ишларини 1998 йил 31 январгача жўнатиш илтимос қилинганди. Иккинчи хат унинг қўлига 1998 йилнинг ўрталарида теғди.



Ёлқин Тўрақулов ўзига ишониб топширилган вазифани эътирозсиз қабул қиларди. Шу боис, унга асосий вазифаларидан ташқари кўплаб жа-моатчилик ишлари юклатилганди. Қизиқувчан шогирдининг ҳисоблашича, у бир вақтнинг ўзида 32 жойда жамоатчилик асосида ишлаган. Маъри-фатли киши бўлгани учун жамоатчилик ишларига ҳам юзаси ёндашмас, бирор нарсани яхшилашга ҳаракат қиларди. Китобхонлар жамиятини бош-қарган вақтда Тошкентда Сергей Есенин музейи очилишига эришди. Ўзбекистон — Покистон дўст-лик жамиятини бошқарганида покистонликларга мингта китоб совға қилишни уюштирди. Фанлар академиясида спорт ўйинларини ташкил қилиш-да жонбозлик кўрсатарди. Юртимизда илмий анжуманларни ўтказишда унинг ташкилотчилик қобилияти янада яққол намоён бўларди.

Ўз-ўзидан савол туғилди: Тўрақулов бунча ишни бажаришга қаердан куч олган? У халққа, Ватанга ва илм-фанга ҳалол хизмат қи-лишни инсонийлик бурчи деб биларди. Мана шу масъулият уни уйғоқ бўлишга ва эзгу иш-ларни бажаришга қувват бериб турарди. Тўрақулов ёшлигидан эрталлабки гимнастика билан шуғулланарди. Навқирон дав-рида бўш вақт топди дегун-ча, “Пахтакор” кортига теннис ўйнашга борарди. Ёки курант ёнидаги чойхонада ҳаваскор шахматчилар билан дона су-рарди. Бундан ташқари, иш вақти тугагандан кейин мехмон-га келган олимлар ва ҳамкасб-лари билан ҳам шахмат ўйнаб турарди. Пинг-понг ҳам севи-ли ўйинларидан бири эди. Йўл-да, сафарларда, кечқурунлари илмий-бадий китоблар ўқиб, фикр дунёсини кенгайтирар-ди. Овқатланиш маданиятига қаттиқ риоя этарди: нимани ва қанча ейишни аниқ биларди, ортиқча бирор нарсани тановул қилмасди.

Устознинг “ўзга сайёралик-ларга хос” одатлари ҳам бор эди. Бир куни соат 9 да ишга келади ва ҳайдовчисига соат 11 да мажлисга жўнаб кетамиз, дейди. Роппа-роса соат 11 да хизмат машинаси эшигини очади ва ҳайдов-чининг ухлаётганини кўради. У ранжиб: “Ҳозир ухлайдиган пайт эмас, китоб ўқисангиз ҳам бў-ларди-ку”, дейди. Чунки у ҳамма оғоҳ яшашини истарди. Тушликдан кейин ишга кетаётган Ёл-қин акадан Маҳмуда опа илтимос қилади: “Кеч-қурун мехмонлар келади, улгурмайман, қа-зи олиб келиб берин”. Ёлқин ака София опаси билан биринчи ва охириги марта бозорга борди (бозор ишларини ҳаммаша Маҳмуда опа бажа-рарди). “Чорсу” бозорида машинадан тушди ва гавжум одамларга қараб, София опасидан ажабланиб сўради: — Шунча одам бу ерда нима қилляпти? — Бировлари сотаяпти, бошқалари оляпяти. — Нима, улар бошқа иш қилишни билмайди-ми?!

Олим дарҳол машинага қайта ўтиради ва ишга жўнаб кетади. У одамлар ҳар доим яратувчанлик

ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишини орзу қиларди.

Бир куни иш вақти тугаётган пайтда Маҳмуда опа Ёлқин акага телефон қилди:

— Шамоллаб қолибман, ишдан қайтаётганин-гизда шифохонангиздан дори олиб келинг.

— Мен дорини қандай оламан? Улар бемор-ларники! — деган жавоб келди ва гушак қўйилди.

Табиийки, Маҳмуда опа оддий дори учун қизини дорихонага қиларди. Ёлқин ака бировнинг, ай-ниқса, давлатнинг мулкига қўл теғиза олмасди.

Агар унинг умр йўлига назар солсак, юртимиз-нинг етакчи олимлари билан дўст, уларни ҳурмат қилганига ғувоҳ бўламиз. Ўз навбатида, етакчи олимларимиз ҳам Ёлқин Тўрақуловни чин дил-дан ҳурмат қилишарди. Унинг илмий раҳбарлари ва маслаҳатчилари номларини ўқисангиз, ҳай-ратга тушасиз, бари машхур академиклар: Яков Парнас, Самуил Капланский, Ҳачатур Коштоянц, Игорь Курчатов, Сергей Северин!.. Ҳатто хорж-даги таниқли олимлар унинг китоби ё мақоласи-ни ўқигач, халқро анжуманда юзма-юз суҳбат-лашгандан кейин илмий салоҳиятига тан бериб, Ёлқин Тўрақуловга миннатдорлик мактубларини ёзишарди. Афсуски, илм аҳли орасида ҳам ҳа-сადғуйлар топилади. Улар Ёлқин Тўрақуловнинг обрўси янада ошиб кетмаслиги учун қўп бор ури-ниб қўрди.

Москвада “Жизнь замечательных людей” (“Машхур кишилар ҳаёти”) туркумида китоблар чиқариш йўлга қўйилди. Улар шу туркум учун бир ёзувчини Ёлқин Тўрақулов ҳақида китоб ёзиш-га жўнатишди. Ижодий сафарга келган ёзувчи унинг ҳаёти ва илмий ишларига оид тафсилот-ларни ўрганишга киришди. Лекин орамизда шун-дай қимса топилди, ёзувчини Москвага қайтариб юборишга муваффақ бўлди. Бундай кўнгилсиз ҳолатларда у ўзининг ҳаётий шioriга қатъий амал қиларди: “Мақтов ва ғийбатларга эътибор берма, бефаҳмлар билан баҳс-лашма”. Барибир ёзувчини виждони тинч қўймади шекилли, “Ли-тературная газета”да Ёлқин Тўрақулов билан олимлик масъулияти ҳақидаги суҳбатини чоп эттирди.

1985 йилда ҳужайралардаги нуклеотидлар-нинг моддалар алмашинувида тугган ўрнига оид илмий тадқиқотлари учун Ёлқин Тўрақулов ва унинг шогирдларига Беруний номидаги Ўзбекис-тон давлат мукофоти берилди. Бу илмий ечим Фанлар академияси йиллик ҳисоботларида ало-ҳида эътироф этилди.

1991 йил март ойда олимнинг иш столида Стокгольмдан, Халқаро Нобель мукофоти қў-митасидан келган хат пайдо бўлиб қолди. Тош-кентга 1990 йил сентябрь ойда келган хатда Ёлқин Тўрақуловдан 1991 йил 31 январгача илмий ишларини Халқаро Нобель мукофоти қўмитасига жўнатиш сўралганди. Нобель муко-фоти қўмитасидагиларнинг мақсадлари қатъ-ий экан, улар шундай мазмундаги хатни 1997 йил кузида Ёлқин Тўрақуловга яна жўнатишди. Унда ҳам илмий ишларини 1998 йил 31 январ-гача жўнатиш илтимос қилинганди. Иккинчи хат унинг қўлига 1998 йилнинг ўрталарида теғди. Бу хатларнинг беркитилиши, вақт ўтгандан кейин олимга руҳий зарба бериш учун атайин еткази-лиши ҳақида гапиришга тил, ёзишга қалам ожиз. Пасткашликнинг чегараси бўлмаиди, деб шунга айтсалар керак.

Тушқун қайфиятда юрган Ёлқин Тўрақулов-га август ойининг учинчи декадасида телефон қилишди: Уни “Эл-ўрт хурмати” ордени билан мукофотланганини айтиб, табриклашди. Гушак-ни қўяр экан, у “Бу ҳақиқатнинг тантанаси”, деди мамнуният билан. Унинг бу сўзларидан ўз юрти-нинг мукофотини халқаро мукофотдан устун қў-йиши сезилиб турарди.

2002 йилда эса Ёлқин Тўрақуловга Ўзбекис-тон Фанлар академиясининг нуфузли мукофоти — Ал-Хоразмий медали тантанали равишда топ-ширилди. 2003 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Халқига, Ватани-га ва илм-фанга умри бўйи ҳалол хизмат қилган буюқ олимга юксак мукофотлар жуда ярашди!

2005 йил 1 март куни Ёлқин Тўрақулов босиб ўтган ҳаёт йўлини йўлаб, балки умр йўлдоши-ни хотирлаб, хонасидаги севган оромкурисига суянганча абадий уйкуга кетди...

Лекин олимнинг ЁЛҚИН ҲАЁТИ давом этапти. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги қарорига қўра, Ёлқин Тўрақулов таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Уни асос солган ва унинг ривожига беқиёс хисса қўш-ган Республика хизматсозлаштирилган эндокрино-логия илмий-амалий тиббиёт марказига унинг номи берилди ва қираверишига ёдгорлик лавҳа-си ўрнатилди, пойтахтимизда “Академик Ёлқин Тўрақулов ҳаёти ва илмий мероси” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унинг илмий-ҳаётий мероси худди Ёлқин Тўрақуловдай илм-фанга, халққа ҳалол хизмат қилляти ва бундан кейин ҳам шундай хизмат қилаверади. Зеро, қа-дим ҳикматда таъкидланганидай: “Олимларнинг ишлари мангу яшайди!”

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” ИВМН масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1707

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳас: Рўзқул Очипов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:50 Топширилди — 22:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz